**ЮРИДИК ШАХС ВА ЮРИДИК ШАХС СИФАТИДА ШАКЛЛАНГАН (ШАКЛЛАНМАГАН) ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРГА ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА**
**ШАРТНОМА 4072458**

2022 й. 19 январь

Шаҳар (аҳоли пункти) ҚОРАСУВ

“Ўзбектелеком” АК Андижон филиали Қорасув телекоммуникациялар боғламаси номидан бундан буён «Оператор» деб аталувчи бошлиғи М. Шарипов , бир томондан ва ундан буён «Абонент» деб аталувчи,

**Юридик шахс**

Бюджетдан маблағ олувчи ташкилот номи: Кургонтепа туман 2-сон касб-хунар мактаби
(ташкилот, корхонанинг тўлиқ номи)

Манзили: Қорасув шаҳар М.Улугбек кучаси 51 уй

Раҳбарнинг лавозими, Ф. И. Ш. Бадалов Хотамжон

иккинчи томондан, бундан буён «Томонлар» Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ва «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникациялар тармоғида телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидалари» (бундан буён матнда «Қоидалар»)) га биноан қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани тuздилар:

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1.Оператор телефон алоқасининг универсал (асосий) ва қўшимча хизматларини кўрсатиш, Абонент эса мазкур хизматлардан фойдаланиш ҳамда ушбу хизматлар учун тўлов тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. Абонент тоифаси бюджет

1.3. Абоненет 2022 йилда бюджетдан маблағ олувчи ташкилотига кўрсатилган алоқа хизматлари учун қуйидаги график асосида ҳақ тўлашни ўз зиммасига олади.

| Йил | 1-чорак | 2-чорак | 3-чорак | 4-чорак | Жами 1 йилда |
|---|---|---|---|---|---|
| 2022 йил Бюджет хисобидан | 150000 | | | | |
| Махсус хисоб рақам хисобидан | | | | | |
| Жами: | 150000 | | | | |

1.4. Телекоммуникация хизматлари бўйича қўшимча қиймат солиғи мавжуд.

1.5 Бюджет ташкилотининг йил давомида смета харажатларига киритиладиган ўзгаришлар доирасида хизмат кўрсатувчи, хизмат олувчи ва хизмат ҳақини тўловчилар томонидан ўзаро келишилган ҳолда шартнома суммасиа ўзгаришлар киритишга ҳақлидирлар.

## 2. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

**2.1 Оператор қуйидагиларга мажбур:**

2.1.1 Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги стандартлари, Қоидалари ва нормаларига мувофиқ, ўз вақтида, белгиланган сифатда телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш.

2.1.2 Абонентнинг станция ва линия-кабель техник шикастланишларини бартараф этиш учун буюртмаларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва уларни 20 кундан ошмаган муддатларда бажарилишини таъминлаш.

2.1.3 Телефон алоқаси Абонентнинг айбисиз бузилган ҳолларда, абонент томонидан таъмирлаш бюросига ёзма ёки оғзаки ариза берилганлиги ёки берилмаганлигидан (ушбу ҳолатда кириш ва чиқиш трафикларнинг мавжуд эмаслиги тасдиқлангандан сўнг) қатъий назар абонент телефони ишламаган бутун даври учун абонент тўловларини, ҳамда қўшимча ҳисобланган хизматларни қайта ҳисоб-китоб қилиш.

2.1.4 Станция ва линия-кабель иншоотларини режадаги реконструкция қилиш ишлари натижасида телефон алоқаси вақтинча узиладиган ҳолларда, Абонентларни оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилиш.

2.1.5 Техник сабабларга кўра, абонент рақамининг ўзгартирилиши тўғрисида Абонентни ёзма равишда, хабарнома билан камида 10 кун олдин хабардор қилиш.

2.1.6 Янги телефон станцияларини татбиқ этилиши ва телефон тармоқларини реконструкция қилиниши муносабати билан Абонентнинг розилигисиз, лекин амалдаги «Қоидалар»га асосан олдиндан хабардор қилган ҳолда, телефон рақамларини бепул алмаштириш.

2.1.7 Абонентнинг аризасига кўра, аризада кўрсатилган муддатга рақамни сақлаган ҳолда, телефонни вақтинча ўчириш. Бунда рақамни сақлаш вақти учун абонент тўлови олдиндан ундирилади.

2.1.8 Маҳаллий телефон алоқаси хизматларига вақтбай ҳақ тўлаш тизимидан фойдаланган ҳолда ҳисоб варағини чиқаришда ҳақ тўланган даврга алоҳида ҳақ учун батафсил ҳисобни тақдим этиш.

2.1.9 Абонент томонидан фойдаланиладиган Операторда рўйхатга олинмаган ёки мувофиқлик сертификатига эга бўлмаган охирги қурилмаларини (телефон аппаратлари, телематик хизматлар, маълумотлар узатиш қурилмаларини,

радиотелефонлар, радиоузайтиргичларни, шахсий компьютер, РАА ва ҳоказо) икки томонлама далолатнома тузиш орқали ўчириш.

2.1.10 Абонент қурилмасини телефон алоқаси тармоғидан вақтинчалик узиб қўйиш йўли билан телефон алоқаси тармоғидан фойдаланишини тўхтатиш:

- Маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқаси хизматлари учун тўловлар ўз вақтида олдиндан ҳақ тўланмаганда, Абонент ўчириб қўйилади;
- Телекоммуникациялар Операторининг коммутация ускуналари нормал ишлашининг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган абонент қурилмаларидан фойдаланиш қоидалари Абонент томонидан бузилганда;
- 2.2.6-банд шартлари бузилганда, икки томонлама далолатнома тузиш орқали бузилишларни бартараф этилгунга қадар.

Абонент қурилмаларининг вақтинчалик ўчирилишига олиб келган бузилишлар бартараф этилгандан кейин, кўрсатилган хизматлар учун ҳақ, шунингдек абонент қурилмаси Абонент айби билан ишламаган вақт учун абонент тўлови Абонент томонидан тўлангандан кейин бир кеча-кундуз ичида абонент қурилмасини улаш. Бунда улаш учун тўлов олинмайди.

2.1.11 Абонент томонидан сотиб олинган телематик хизматларнинг охирги қурилмаларини (телефакс, телекс, видеотекс, маълумотлар узатиш ва бошқалар) шартномага қўшимчалар киритган ҳолда рўйхатга олиш.

2.1.12 Абонентнинг хоҳишига кўра, шартнома шартларига биноан барча телекоммуникация хизматлари учун тўловлар тўланганда шартномани бекор қилиш.

## 2.2 Абонент қуйидагиларга мажбур:

2.2.1 Ўз телефони ва/ёки бошқа охирги қурилмалардан амалга оширилган, кўрсатилган телефон алоқаси хизматлари (шу жумладан, тармоқларнинг техник имкониятлари билан белгиланадиган ва барча Абонентлар учун очиқ бўлган телекоммуникациянинг қўшимча хизматларидан, жумладан интеллектуал тармоқлардан фойдаланганлиги, маълумотлар узатиш ва Интернет, ахборот ресурсларидан фойдаланиш хизматлари тармоғидан паролсиз фойдаланганлиги) учун ўз вақтида тўловни амалга ошириш. Ушбу шартномада кўрсатилмаган ва талабга биноан кўрсатилган хизматлар учун амалдаги тарифларга мувофиқ тўлов тўлаш.

2.2.2 Йилнинг ҳар чорагида камида бир маротаба Оператор билан тўловларни ўзаро солиштириш далолатномасини тузиш.

2.2.3 Операторга тегишли ёки Оператор томонидан хизмат кўрсатиладиган ва Абонент фойдаланаётган телефон сими ва бошқа ускуналарни бут ва соз (ишга яроқли) ҳолатда сақлаш. Абонентга тегишли ёки Абонент томонидан ижарага олинган телекоммуникациялар воситаларининг техник нормаларга мослигини таъминлаш.

2.2.4 Алоқа бузилганлиги тўғрисида телекоммуникация боғламасини "1086" таъмирлаш бюросига ўз вақтида хабар бериш.

2.2.5 Бир ойлик муддатда ёзма равишда санани кўрсатган ҳолда, Операторга реквизитларнинг, ташкилот номининг ўзгариши, хонани ижарага берилиши ҳақида хабар бериш ва амалдаги тариф бўйича тўловларни тўлаш билан шартномани қайтадан тузиш ёки уни бекор қилиш. Ижара муддати тугагандан ёки ижара шартномаси бекор қилингандан сўнг телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш бўйича шартнома ижарага олувчидан ижарага берувчига тўловсиз расмийлаштирилиши мумкин. Ижарага берувчи ижара шартномасини бекор қилар экан, ижарачининг Оператор олдидаги қарзларининг қопланишини назорат қилади ва қарзларнинг мавжудлиги учун белгиланган тартибда жавобгардир.

2.2.6 Оператор ходимларида тегишли, амал қилиш муддатига эга бўлган суратли, муҳр босилган шахсий гувоҳнома, ишларни бажариш учун наряд мавжуд бўлганда, Абонентнинг «Қоидалар»га ва ушбу шартномага риоя қилишини текшириш ёки Абонент талабномаси бўйича таъмирлаш ишларини бажариш учун рухсат бериш.

2.2.7 Абонент қурилмасидан таксофон сифатида ёки Интернетга уланиб, пулли хизматлар кўрсатиш учун фойдаланмаслик. Оператор томонидан ажратилган телефон рақамлари орқали телекоммуникация хизматлари кўрсатилишини қонунда белгиланган тартибда амалга ошириш. Ушбу банд бузилган ҳолда, Оператор Абонентнинг телекоммуникациялар тармоғидан фойдаланишини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга. Қоидалар такрор бузилганда шартнома бир томонлама бекор қилинади.

2.2.8 Абонент ўзининг абонент линиясидан ва охирги терминал қурилмасидан Интернет тармоғига уланиш учун фойдаланаётган ва жумладан қайта уланиш дастурларига уланган вақтдан бошлаб у чиқувчи телефон трафикларига ҳам жавобгардир.

2.2.9 Абонент қурилмаси сифатида фақат сертификатланган телефон аппаратлари ва бошқа қурилмалардан фойдаланиш. Ўзбекистон Республикасининг мувофиқлик сертификати бўлмаган рақамни автоматик аниқловчи (РАА) қурилмаларни қўлламаслик.

2.2.10 Ўзбошимчалик билан охирги қурилмаларни ўрнатмаслик, параллель телефон аппаратлари ёки бошқа радиоалоқа, телематик хизмат ва маълумотларни узатиш охирги қурилмаларини уламаслик. Ушбу қурилмаларни улаш Оператор хабардор қилингандан сўнг ва мувофиқлик сертификатига эга бўлганда амалга оширилади. Абонент линиясига Операторда рўйхатга олинмаган абонент қурилмалари Абонент томонидан ўзбошимчалик билан уланган вақтини аниқлаш мумкин бўлмаганда, абонент тўлови жорий йилнинг бошидан ундирилади.

2.2.11 Радиотелефонлар ва бошқа радиоэлектрон воситаларни (қуввати 10 мВт дан кўп бўлмаган шнурсиз телефонлардан ташқари) уларни эксплуатация қилишга Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигидан ёки унинг ваколатли органидан рухсат олингандан ва Операторни хабардор қилингандан кейин абонент қурилмаси сифатида улаш.

2.2.12 Телекоммуникациялар тармоқларининг иш сифатини пасайишига ёки шикастланишига йўналтирилган ҳаракатлар қилмаслик.

2.2.13. Абонент фақатгина харажатлар сметасида алоқа хизматлари учун 20 йилда ажратилган маблағлар доирасида шартноманинг 1.3 бандида кўрсатилагн (бюджет хисобидан) тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2.2.14. Абонент томонидан бюджетдан маблағ олувчига кўрсатиладиган телефон алоқаси хизматларига конунчилик асосида белгилаб бериладиган Ўзбекистон Республикасида амалдаги тарифлар бўйича хақ тўланади.

2.2.15. Телекоммуникация хизматлари учун тўловлар, нақд пулсиз бюджет ташкилотининг харажатлар сметасида кўзда тутилган маблағлар доирасидан чиқмаган холда мазкур шартноманинг 1.3 бандидаги бюджет хисобидан тўланадиган қаторида кўрсатилган сумма асосида хар чоракнинг учдан бир қисми дорасида ойма-ой тўловни амалга оширади.

2.2.15. Телекоммуникация хизматлари учун тўловлар, нақд пулсиз бюджет ташкилотининг харажатлар сметасида кўзда тутилган маблағлар доирасидан чиқмаган холда мазкур шартноманинг 1.3 бандидаги бюджет хисобидан тўланадиган қаторида кўрсатилган сумма асосида хар чоракнинг учдан бир қисми дорасида ойма-ой тўловни амалга оширади.

## 3. ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ ХИЗМАТЛАРИГА ҲАҚ ТЎЛАШ

3.1 Телефон алоқаси хизматларига ҳақ тўлаш қонун ҳужжатларига мувофиқ тасдиқланган тарифлар бўйича амалга оширилади ва хизматлар кўрсатилган пайтда амалда бўлган тарифлар бўйича ҳақ тўланади.

3.2 Телекоммуникация хизматлари учун тўловлар, тўлов талабномаси (ҳисоб-варағи) асосида акцепт тартибида ёки Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш бўйича Низомга мувофиқ тўлов топшириқномаси асосида пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3.3 Маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқаси хизматларига тўлов олдинги ой учун тўлов суммасидан **100** фоиз миқдорда олдиндан ҳақ тўлаш йўли билан амалга оширилади:

3.4 Маҳаллий тармоқ хизматларидан фойдаланганлик учун тўлов ҳисобот (жорий) ойининг уланиш санасидан кечиктирмасдан амалга оширилади. Олдиндан ҳақ тўлашни амалга оширишда тўловни қабул қилиш бир ойдан кам бўлмаган, лекин 12 ойдан ошмайдиган муддат учун амалга оширилади.

3.5 Ушбу бандда кўрсатилган хизматлар учун тарифлар ошганда улар юзасидан ҳисоб-китоблар аванс суммаси тугагунга қадар, агар ушбу хизматлар юзасидан тўлов универсал хизматларга тарифлар ўзгарганлиги тўғрисида эълон қилингунгача амалга оширилган бўлса, аввалги тарифлар бўйича амалга оширилади.

3.6 Маҳаллий, халқаро ва шаҳарлараро телефон алоқасидан, шу жумладан, маълумотларни узатиш ва телематик хизматлардан фойдаланганлик учун тўлов ҳисоб варақасида кўрсатилган санадан бошлаб 5 кун муддат ичида амалга оширилади.

3.7 Абонент ҳисобот давридан кейинги бир ой ичида телекоммуникация хизматларига олдиндан ҳақ тўлаш бўйича, шу жумладан телефон ўчирилган вақт учун қарзини тўламаса ёки 2.2.7-банд такрор бузилса, Оператор телефон рақамини олиб қўйиш ва бу ҳақда Абонентни ёзма равишда камида 10 кун олдин топширилганлиги тўғрисидаги хабарнома билан хабардор қилиши орқали шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақлидир. Телефон ёки бошқа қурилмаларни янгидан ўрнатиш ариза берилгандан сўнг техник имкониятларга кўра, шартнома бекор қилинган даврдаги Абонентнинг ҳисобидаги қарзлари узилгандан кейин 12 ой ичида тариф бўйича ўрнатиш ҳақининг 50 фоизи тўлангандан сўнг амалга оширилади. Бу ҳолатда умумий асосда янги телефон рақами берилади. Шунингдек, Оператор томонидан кўрсатилаётган телекоммуникациялар хизматлари (интернет, телефон, IP-TV ва бошқалар) бўйича қарздорлик ва ҳақдорлик юзага келганда, абонентнинг розилигисиз ушбу хизматлар бўйича ўзаро ҳисоб-китоб қилган ҳолда қарздорликни бартараф этишга ҳақли.

3.8 Автоматик маҳаллий, халқаро ва шаҳарлараро телефон алоқасида ҳақи тўланадиган сўзлашув вақти чақирилаётган телефон орқали жавоб берган ҳар қандай шахс билан сўзлашув бошланган пайтдан бошлаб ҳисобланади. Агар телефонга уланган қандайдир техник қурилма (факс, автожавоб берувчи, РАА ва ҳоказо) билан уланиш ҳолларида, ҳақ тўланадиган сўзлашув вақти қурилма билан уланиш пайтидан бошлаб ҳисобланади.

3.9 Абонент тўланиши лозим бўлган суммадан, сўзлашув давомийлиги ёки сўзлашувнинг унга тегишлилигидан норози бўлганда, ҳисоб варағини олгандан кейин 45 кун давомида ёзма равишда шикоят аризасини бериш ҳуқуқига эга. 45 кун ўтгандан кейин даъволар қабул қилинмайди. Абонент текшириш натижаларидан норози бўлса судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

3.10 Ушбу шартноманинг 3.9-бандини текшириш ўтказилаётган вақтда телефон уланган бўлиши керак.

3.11 Телефон ёки бошқа охирги қурилмалар Абонентнинг айби билан ишламаган вақти учун абонент тўлови тўлиқ миқдорда ундирилади.

## 4. БАҲСЛИ МАСАЛАЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

4.1 Баҳсли масалаларни ҳал қилишда Томонлар келишиш чораларини кўрадилар.

4.2 Томонлар келиша олмаган тақдирда баҳсли масалалар Иктисодий судида ҳал этилади.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1 Томонлар тарафидан шартнома шартлари бузилган ҳолларда, жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси «Фуқаролик кодекси»га, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий асослари тўғрисида»ги, «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги қонунларга, «Умумий фойдаланишдаги телекоммуникациялар тармоғида телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидалари»га ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа амалдаги қонун актларига шунингдек ушбу шартномага мувофиқ белгиланади.

## 6. ФОРС-МАЖОР

6.1 Шартнома тузилгандан сўнг бартараф этилиши Томонларнинг таъсири ва истакларига боғлиқ бўлмаган, вақтинча ёки узоқ вақт шартномани зарур даражада амалга оширишга халақит берадиган вазиятлар содир бўлганда, яъни табиий офатлар, ноқулай об-ҳаво шароити, хукумат тадбирлари, ҳокимият органларининг қарорлари, ҳарбий низолар, ички тартибсизликлар ва бошқа ҳолларда, юқорида айтиб ўтилган ҳолатлар мавжудлиги туфайли Томонлар тарафидан шартнома мажбуриятлари бузилган деб ҳисобланмайди ва шартнома мажбуриятларини бажариш муддатлари ушбу ҳолатлар давом этиш вақтига сурилади.

6.2 Шартнома мажбуриятларини бажариш имкониятига эга бўлмаган Томон, дарҳол иккинчи Томонни юқоридаги ҳолатларнинг юзага келганлиги, шунингдек бартараф этилганлиги тўғрисида хабардор қилиши керак.

6.3 Бартараф этилиши мумкин бўлмаган вазиятлар содир бўлгани ёки уларни бартараф этилгани ҳақида ўз вақтида, 15 кундан кўп бўлмаган муддатда хабар бермаган Томон кейинчалик шартнома шартлари бажарилмаган тақдирда, бу вазиятларни сабаб қилиб кўрсата олмайди.

## 7. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

7.1 Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар Томонларнинг розилиги бўйича шартномага қўшимча Битимни расмийлаштириш йўли билан киритилади. Томонларнинг шартномани ўзгартириш ва тўлдириш тўғрисидаги Битими ёзма равишда бўлгандагина ва Томонларнинг имзоси билан тасдиқланган тақдирда қонуний кучга эга бўлади.

7.2 Томонлар ўртасидаги шартнома шартларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар унинг ажралмас қисми бўлиб қолади ва келгусида уларга амал қилиш мажбурийдир.

7.3 Шартнома Томонларнинг келишувига кўра, қонун ҳужжатлари ўзгартирилганда, «Қоидалар» ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолларда қайта тузилиши мумкин. Ушбу банд қонун ҳужжатлари талабларига мос келади.

## 8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

8.1 Шартнома Томонлар томонидан имзоланган ва ҳудудий Ғазначилик бошқармасидан рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва **2022 йил «31» декабргача** амал қилади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 357-моддасига мувофиқ, Томонлар ушбу шартноманинг шартларини 2022 йил 1 январдан вужудга келган муносабатларига нисбатан қўлланилади деб белгилайдилар. Агар шартноманинг амал қилиш муддати тугашига бир ой қолганда, Томонлардан бирининг шартномани бекор килиш тўғрисидаги аризаси бўлмаса, ушбу шартноманинг муддати ҳар йили чўзилган деб ҳисобланади.

8.2 Шартнома қуйидаги ҳолларда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин:
- Томонларнинг розилиги билан;
- шартнома мажбуриятлари Томонлардан бири тарафидан бажарилмаганда;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳолатларда.

8.3 Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлиб, 2 нусхада тузилди ва Томонларнинг ҳар бирига бир нусхадан берилди.

## 9. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

| ОПЕРАТОР | | АБОНЕНТ | |
|---|---|---|---|
| "Ўзбектелеком" АК Андижон филиали Қорасув телекоммуникациялар боғламаси | | Кўрғонтепа тумани 2-сон касб ҳунар мактаби | |
| манзил: | ҚОРАСУВ ШАХАР БОБУРШОХ 179-УЙ | манзил: | Корасув ш. М. Улуғбек 57 уй |
| х/р: | 20210000104074838308 | х/р: | 100010860032207092901079002 |
| банк: | АК АЛОКАБАНК | банк: | Марказий банк |
| МФО: | 00401 | МФО: | 00014 |
| ИНН: | 203366731 ОКОНХ: 52300 | СТИР: | 200252647 |
| ТЕЛ: | 795 3038 795 3366 | | |
| Бошлик: | М.ШАРИПОВ | Раҳбар: | Х. Бодалов. |
| м.ў. | | м.ў. | |

Хуқуқшунос ______________________________ ______________________________

*Изох: *) Бюджетдан маблағ олувчининг ғазначилик бўлинмасида очилган тегишли шахсий ҳисоб варақлари кўрсатилади.*

***) Бюджетдан маблағ олувчининг бюджетдан ташқари маблағлари бўйича талаб қилиб олинганча ҳисоб варағи кўрсатилади.*

«XO'JALIK YURUTUVCH SUBYEKTLAR FAOLIYATINING SHARTNOMAVIY-HUQUQIY BAZASI TO'G'RISIDA»GI O'ZBEKISTON RESPUBLIKASINING 21-MODDASIGA MUVOFIQ
HUQUQSHUNOS XULOSASI
MAZKUR SHARTNOMA O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FUQAROLIK KODEKSI VA BOSHQA AMALDAGI QONUNLAR ASOSIDA HUQUQIY EKSPERTIZADAN O'TKAZILIB QONUNIYLIGI TEKSHIRILDI. SHARTNOMA LOYIHASI QONUNCHILIK HUJJATLARIGA MOS BO'LGANLIGI UCHUN UNI IMZOLASA BO'LADI DEB HISOBLAYMAN.
HUQUQSHUNOS: ____________ SH.Abdullayev
«____» ________ 20___ y.

Курғонтепа т. 2-сон КХМ ва Корасув телекоммуникациялар богламаси уртасида тузилган 2022 йил "_____" январь даги № 6. сонли шартномага

## И Л О В А 1

| Т/р | 2022 йил ойлари номи | телефон нукталари сони | мижозлик тулови | шахарлараро сузлашув | Жами тулов | шундан | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | бюджет хисобидан | махсус хисоб ракамдан |
| 1 | **Жами йиллик** | 18 | | | 150000 | 150000 | |
| 2 | **I-чорак** | 18 | | | 150000 | 150000 | |
| 3 | Январь | 6 | 6900 | 8600 | 50000 | 50000 | |
| 4 | Февраль | 6 | 6900 | 8600 | 50000 | 50000 | |
| 5 | Март | 6 | 6900 | 8600 | 50000 | 50000 | |
| 6 | **II-чорак** | | | | | | |
| 7 | Апрель | | | | | | |
| 8 | Май | | | | | | |
| 9 | Июнь | | | | | | |
| 10 | **III-чорак** | | | | | | |
| 11 | Июль | | | | | | |
| 12 | Август | | | | | | |
| 13 | Сентябрь | | | | | | |
| 14 | **IV-чорак** | | | | | | |
| 15 | Октябрь | | | | | | |
| 16 | Ноябрь | | | | | | |
| 17 | Декабрь | | | | | | |
| | Жами | | | | | | |

***Изох:*** *Бюджет ташкилотлари томонидан истеъмол килинган телефон алока хизмати микдори шартномада келишилган микдордан ортиб кетса, бюджет ташкилоти ортиб кетган хизматлар учун махсус маблаглари хисобидан коплаб беради. Телекоммуникациялар богламаси лимитдан ортиб кетган хзизматларни истеъмолчининг махсус хисоб вараги учун алохида счёт-фактура ёзиб беради. Ушбу илова шартноманинг ажралмас кисми хисобланади.*

| ОПЕРАТОР | |
|---|---|
| Корасув телекоммуникациялар богламаси | |
| Манзили: Корасув шахар Бобуршох кучаси 179 уй | |
| Тел: 795-30-38, Факс: 795-33-88 | |
| Банк булими: Алока банк Андижон филиали | |
| Хисоб раками: | 20 210 000 104 074 838 308 |
| МФО: | 00401 |
| СТИР: | 203 366 731 |
| Код ОКОНХ: | 52300 |

Корасув телекоммуникация богламаси

бошлиги: [signature] М.Шарипов

| АБОНЕНТ | |
|---|---|
| Курғонтепа туман 2-сон КХМ | |
| Манзили: | Корасув ш. М. Улуғбек 57 |
| Тел: | 74-795 30-94 |
| Банк булими: | Марказий банк |
| Хисоб раками: | 100010860032207092901079002 |
| МФО: | 00014 |
| СТИР: | 200252647. |
| Код ОКОНХ: | 92200. |
| | |
| Газна х/в: | 23402000300100001010 |
| Банк номи: | Марказий банк |
| МФО: | 00014 |
| СТИР: | 201122919 |

Рахбар: [signature] Х. Бадалов.